O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил. 25 май | 21 (194)- сон

## МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК КОМИССИЯСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛАРИГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли ватандошлар!

Яқинда халқимиз муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан белгиланган Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб қонли жанггоҳларда ҳалок бўлганларнинг руҳи поклари ёдга олинди, халқимиз манфаати, Ватанимиз равнақи учун ҳалол меҳнат қилиб, кексалик гаштини суриб яшаётган онахону-отахонларимизга иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бу байрам ўтганларни хотирлаш, тирикларни ҳамиша қадрлаш асрий анъаналаримиз эканлиги, бу анъана истиқлол шарофати билан бардавомлик касб этганлигининг яна бир намойиши бўлди. Юрт озодлиги, халқ эркинлиги йўлида жон тиккан, ғайрат-шижоат кўрсатган инсонлар қадр-қимматининг чин посбони истиқлолдир. Бу ҳақиқат халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгидан мустаҳкам ўрин олишида бу байрамнинг аҳамияти каттадир.

Эл-юрт озодлиги ва мустақиллиги, эркинлиги ва адолат тантанаси учун курашган, бу машаққатли йўлда қурбон бўлган инсонлар хотирасини эъзозлашга барчамизни даъват этаётган Юртбошимиз яқинда яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урдилар. Президентимизнинг Фармойиши билан мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди. Фармойишда комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида уқтирилган.

Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, азиз юртдошлар, сизга мурожаат қиламиз:

— оилангизда, маҳаллангизда ёхуд шаҳрингизда яшаган, қатағон қурбони бўлган кишилар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар, улар билан боғлиқ буюмлар, яқин кишиларингиздан эшитган хотираларингиз бўлса;

— фуқаролар уруши, коллективлаштириш даври, шахсга сиғиниш йиллари ўз она юртидан қувғин қилинган, яқин ва узоқ хорижда яшашга маҳкум бўлган қариндош-уруғларингиз тўғрисида маълумотлар бўлса,

— «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган ноҳақ айбловлар жараёнида судланган ва қурбон бўлган яқинларингиз ҳақидаги материаллар бўлса;

— барча тафсилотлари, ҳужжат намуналари, исми шарифи ва манзиллари аниқ ва холис ёритилган ҳолда мактуб ва бошқа жўнатмалар шаклида ёхуд шахсий мурожаат йўли билан комиссия номига йўллашингизни илтимос қиламиз.

Халқ ва Ватан ҳуррияти йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдай масъулиятли ва савобли иш барчамизнинг сиёсий ва фуқаролик бурчимиздир.

**Жамоатчилик комиссияси аъзолари:**

**Наим КАРИМОВ, Аҳмад АЛИЕВ, Дилором АЛИМОВА, Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Холида АҲРОРОВА, Набижон БОҚИЙ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ, Низомиддин МАҲМУДОВ, Собир МИРВАЛИЕВ, Абдулла ОРИПОВ, Рауф ПАРФИ, Нодира РАШИДОВА, Шуҳрат РИЗАЕВ, Ҳалим САИДОВ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Шерали ТУРДИЕВ, Бегали ҚОСИМОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ислом УСМОНОВ.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази.**

**Тел: 133-67-91, 139-05-30, 139-05-22.**



Бугун мактабларда ўқиш тугади. Яна бир довон ортда қолди...

*Бўздан хабар*

## ЯХШИ КИШИЛАРНИ ЭСЛАБ

**Саида Зуннунова номидаги Бўз Педагогика билим юртида Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси вилоят кенгаши, Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва билим юрти жамоасининг Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.**

**Ватанимиз ва миллатимиз озодлиги, истиқлол учун курашган, иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида, бесамар фожиали Афғон урушида ҳалок бўлган ҳамюртларимизни эслаб, улар хотирасига муносиб эзгу сўзлар айтилди.**

**Бўз туман ҳокими Ҳамиджон Омонов, билим юртининг директори, МТДП вилоят кенгаши раиси Тўлан Низом йиғилганларни Хотира ва Қадрлаш умумхалқ байрами билан табрикладилар.**

**Иккинчи жаҳон урушида қатнашган Неъматжон Раҳмонов, Раҳимахон Ҳасановалар тинчлигимиз, истиқболимиз, иқтисодимизни мустаҳкамлашга, ёшлар тарбиясига қаратилган кўламли ишлар ҳақида ҳаяжонланиб сўзладилар. Қамчибек Кенжа, Холдоржон Қуронбоев, Эргашали Ғаниев, Усмонжон Шукуров аждодларимиз, донишманд юртдошларимиз андижонлик ҳассос адибларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.**

**Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда фидокорлик кўрсатган Жанноб Жалолов, Мирзажон Иминов, Матлубахон Солиева, Турғунбой Маҳкамов, Абдуманноб Ҳоликов, Рустамжон Қаҳҳоров, Обобакир Исмонов ва бошқа кўплаб фидокор кишилар, зиёлиларнинг номлари эсланди.**

**«Хотира ва Қадрлаш куни» маросимида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Акбархон Отахонов, Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси Андижон шаҳар ва шаҳрихон туман кенгашларининг раислари Алишер Жалилов ҳамда Олимхон Ўриновлар сўзга чиқишиб, нуронийларга кўрсатилаётган ижтимоий ғамхўрлик, миллатни, миллий анъана ва қадриятларни тиклашда партия олиб бораётган ишлар ҳақида тўхталдилар.**

**Ваҳобжон ТОШМАТОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА КОИНОТ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Ватанимиз пойтахти Тошкентдаги «Le-Meridien» меҳмонхонасининг «Самарқанд» мажлислар залида 12-14 май кунлари «Коинот тадқиқотлари, технологияси ва конверсия — IV» халқаро илмий-амалий конференция фаолият кўрсатди.

Конференция Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига ва Халқаро Европа Коинот Агентлиги келишувига мувофиқ ташкил этилди.

Конференция фаолиятида АҚШ, Франция, Италия, Англия, Голландия, Олмония, Тунис ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан: Россия, Қозоғистон, Қирғизистон вакиллари қатнашиб ҳозирги замондаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган коинот сирларини англаш, улар билан боғлиқ бўлган ер ривожланиш фаолиятлари қонуниятларини очиш, атмосфера, гидросфера, биосфераларни муҳофаза қилишнинг янги технологиялари билан фикр алмашдилар.

Айниқса конференциянинг ялпи мажлисида Франция элчиси, Италия ва Россия элчихоналарининг вакиллари қатнашиб илмий анжуман фаолиятига муваффақият тилашлари конференция нечоғли халқаро нуфузга эга эканлигидан далолат беради.

Икки кун давомида анжуман қатнашчилари тўртта шўъба бўйича 55тадан ортиқ маърузаларни тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Конференция ташкилий қўмитаси раиси К.М.Мўминов (Ўзбекистон Агентлиги) «Ўзбекистонда коинот тадқиқотлари ривожланишининг истиқболлари» мавзуида жаҳонга юз тутаётган Ватанимиз халқаро майдонда фан ва техниканинг бошқа соҳалари каби коинот тадқиқотлари бўйича ҳам салмоқли ўринларда бораётганлигини маълум қилди.

Европа Коинот Агентлиги раҳбари жаноб М.Фиа халқаро ҳамкорлик дастури бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида тўхталиб, бу тадқиқотларнинг Ўрта Осиё мамлакатларида нечоғли аҳамиятга эга эканлигини ва келажакда олиб борилаётган илмий изланишларни марказлаштириш, муаммоларни ҳамкорликда ечиш йўллари бўйича бир қанча таклифларни киритди.

Айниқса, жаноб М.Фиа ўз маърузасида тўрт йилдан бери фаолият кўрсатаётган мазкур анжуманнинг иштирокчилари йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги, турли мамлакат вакиллари қатнашиш истагида эканлиги билан бир қаторда анжуманда кўрилаётган муаммоларнинг нақадар долзарблиги ва бу муаммоларни ечишда Ўзбекистон олимлари фаол қатнашаётганлигини алоҳида мамнуният билан қайд қилди.

Анжуманда кўрилган масалаларнинг бир қисми ҳозирги вақтда долзарб муаммолардан ҳисобланган табиий офатларга, уларнинг олдини олиш, башоратлаш, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб боришга бағишланди.

Шу муаммо бўйича Вей Сан хоним (Англия), С.Рознер (Олмония), Ф.Бетерет (Франция), М.Масмоуди (Тунис), Г.Т.Омарова (Қозоғистон), А.Самоғаев (Қирғизистон), ватанимиздан В.Е.Чуб, Р.Г.Шадиева (Бошгидромет), Б.Т.Қурбонов, Н.А.Иванов (Ўзгеодезкадастр), А.Қ.Нурхўжаев, И.А.Тўйчиева (ФМИ) ва бир қанча тадқиқотчиларнинг маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Муаммонинг асосий моҳияти кейинги вақтларда ривожланиб келаётган табиий офатлар чегара билмаслиги, яъни бир қанча мамлакатлар ҳудудини эгаллаб олиши (ер қимирлаш, кўчки, атмосфера, гидросфера, биосфераларнинг ифлосланиши ва б.) бўлиб, уларни ўрганишда энг қулай ва ҳамма учун етарли тезкор маълумотларни таъминловчи коинот коммуникация тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Улардан ташқари анжуманда микрозаррачаларни тадқиқ қилиш, коинот жисмларини ўрганиш, Қуёш фаоллиги билан боғлиқ бўлган муаммолар, тиббий ва экологик масалаларни ечишда ҳам коинот коммуникация тизимининг аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур анжуман нафақат тадқиқотчи — олимлар фаолиятида, балки Ватанимиз иқтисодининг барқарор ривожланишида, аҳоли саломатлигини таъминлашда XXI асрнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш бўйича муҳим муаммоларни ечишга салмоқли ҳисса қўшди.

Илмий-амалий анжуман иштирокчилари кўрилган муаммоларнинг ечимини тезроқ амалиётга тадбиқ қилиб, яна бир йилдан сўнг V анжуманда учрашиш ниятида хайрлашдилар.

**Анварбек НУРХЎЖАЕВ,**
**Фуқаро муҳофазаси институти**

*Афкор дурдоналари*

## ҒИЙБАТ ҲАҚИДА

Ғийбат зинодан ҳам оғирроқ гуноҳдир. Зинокор тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилиши мумкин. Лекин ғийбат қилинган киши кечирмагунча ғийбатчининг тавбаси мақбул бўлмайди.

**(Ҳадиси шарифдан)**

•

**Ғийбатни тингловчи ҳам ғийбатчиликка дахлдор саналур, гуноҳ ишга розилик берувчи ҳам гуноҳкорлар сафидан ўрин олур.**

**(Ҳазрати Али Муртазо разияллоҳу анҳу)**

•

Расули Акрам (с.а.в.) ёнма-ён турган икки қабр ёнидан ўта туриб, марҳамат қилдилар: «Бу иккови ҳам ҳозир қабр азобини чекмоқда, ваҳоланки тириклик чоғида улар бу азобдан осонгина қутулишлари мумкин эди, яъни булардан бири иғвогар ва ғийбатчи эди, иккинчиси эса пешоб доғларидан сақланмас эди».

**(имом Исмоил ал-Бухорий)**

•

**Ғийбат нималигини биласанми? Сен жамоа орасида фалончи шахс ҳақида унинг ўзи мавжудлигида айта олмайдиган гапни айтсанг, бу ғийбат саналур. Кимдир сўрадики, агар фалончи ўша ишни ҳақиқатан қилган бўлса ҳам ғийбат саналурми? Ҳа, саналур, қилмаган бўлса, туҳмат саналур.**

**Тўпловчи: Шароф МИРЗАЕВ**

## ЧАЛА СИЁСАТДА «ИТ-МУШУК» ЎЙИНЛАРИ

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузасида Ватанимиз мустақиллигига хавф солувчи хавф-хатарлар тўғрисида тўхталиб шундай деган эди: «Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз. Бундай кирдикорлардан мақсад — мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир.

Бошқача айтганда, бундан мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт қуришига бўлган интилишини, изчил ривожланишимиз ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги эзгу ниятларимиз пойдеворини барбод этишдан иборатдир. Ана шу фожиали воқеаларнинг асосий сабаблари ҳақида тўхталар эканман, мен сизларни эътиборингизни очиқ-ойдин турган иккита хавф-хатарга қаратмоқчи эдим.

**Биринчиси.** Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар.

**Иккинчи.** Биз шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, ҳали-ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўра олмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд».

**Давоми иккинчи бетда**

*Тикланиш йўлида учрашувлар*

## ЧАМАН ҚУРИБ ЎЛТИРИШИНГИЗ

Аёл етган манзил фаришталаниб кетади. Унинг қўли теккан иш — гул нигоҳи тушган жой-гулшан, аёл сувратланган кўнгил — ишқхона. Аёл изи — жаннат. Қаерда бўлмасин, аёлнинг борлиги албатта билиниб туради.

— Бу ер ишхонага ўхшамайди, деворларигача нақ чинни-ку, келиннинг уйидай-а, — дейман Қутлибека опага пойтахтимиздаги «Шарқ гули» акционерлик жамияти биноси ичкарисини кузатаётиб.

— Ҳаммаси эътибордан, ихлосу меҳрдан, — дейди Қутлибека опа завқдан яшнаб, — аёллар меҳнат қиладиган жойларнинг ҳаммаси ҳам бунақа бўлавермайди, қара, «шароитман» деган ҳамма нарса бор. Ипакдай опа — сингилларимиз мана ипакдай тоза жойда ишлайдилар, санъат яратадилар.

Биз нур нигоҳли чевар хонимлар ила дилдан суҳбатлашгани уларнинг ҳузурига ошиқдик. 20 май куни бу даргоҳда нафис бир мажлис қурилди. «Аёлни асрагин элим» мавзусида бир гуруҳ олималар, шоиралар, етакчи раҳбар аёллар айни пайтда кўплаб тўқувчи-каштачилар фаолият кўрсатаётган «Шарқ гули» бибилари билан мусоҳаба қилдилар. Уни жамият бошқаруви раиси Саидахон Ғаниева олиб борди. Учрашувда «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раисининг муовини, тарих фанлари номзоди Муборак Юнусхўжаева, Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Саида Жалилова, Меҳнат фахрийси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Ҳуррият Отажонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиба Олмос Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Қутлибека Раҳимбоевалар иштирок этдилар.

Таниқли шоира О.Хожиева мукаррама аёл қадри Шарқда ҳамиша баланд эъзозланганлиги, бугунги кунда мустақил юртимизда бу улуғ қадр давлат сиёсати даражасига кўтарилиши жаҳоний бир воқеа эканлигини фахр туйғуларида изҳор қилди. Азиз исмлари тарих саҳифаларида битилган, ҳаммага ҳам у қадар таниш бўлмаган, лекин ўз даврида даврбошилар қаторида турган кўплаб ўзбек аёллари ҳақида олима М.Юнусхўжаева, Аёллар йили муносабати билан аёллар манфаатини — аёлни ўйлаб тузилган ва қабул қилинган давлат дастурининг ҳаётимиздаги амалий акси, шу асосда қилинаётган ишлар хусусида С.Жалилова, миллат фахри бўларлик улкан ишлар қадамжосида қатағонга учраган муборак ота-онасининг фожиали тақдири,фараҳли бу кунлар қадри тўғрисида Ҳ. Отажонова, Аёл матонати, сабр-синоати, гўзал шижоати таърифида О.Аҳмедова, Қ.Раҳимбоева сўз айтдилар, учрашув шеъру суҳбат даврасига айланди.

«Шарқ гули» — ўз номига гулдек муносиб. Чеҳраси кундай равшан, самимий нигоҳлари кўнгилга туташ опа—сингилларимиз билан дийдорлашиб, суҳбатларини олиб, улар яратаётган санъат сирлари ила ҳам сирлашгандек бўлдик:

**Куйлатур жон**
**муҳаббат ила**
**Чорлаб дийдор**
**келтиришингиз.**
**Нигоҳ юртин**
**гулзор айлади**
**Чаман қуриб**
**ўлтиришингиз...**

**Дилором МАТКАРИМОВА**



## ЎН ИККИ — УЛКАН РАҚАМ

**Мавлоно Лутфий бир байтига бутун умри давомида ёзган барча ғазалларини алмаштирмоқчи бўлган пайтда ҳазрат Алишер Навоий ҳали ўн икки ёшга кирмаган эди. Андижон тахтига ўтирганда Бобур мирзо ўн иккига эндигина тўлган эди. Имом Бухорий ҳазратлари дилидаги буюк эътиқодни ҳис этиб, Маккага тараф йўлга тушганларида ўн иккидан сал ошган эди.**

**Чунки, шу ёшларида бу мўътабар зотларга ўйинқароқ бола сифатида эмас, эртага миллат дардига дармон бўлгувчи инсон сифатида катта эътибор билан қаралган эди.**

**Бугун болаларимизга яна ўша нигоҳнинг зарурлиги тобора кенгроқ аён бўлмоқда. Фарзандларимиз ҳар дақиқа, ҳар сонияда бизнинг меҳримиз, умидимизни ҳис этиб турсин. Бу даъват бугун ҳамманинг кўз ўнгида катта-катта ҳарфлар билан ёзилиб тургандай. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги академик Содиқ Азимов номидаги 64-ўрта мактабнинг 6 «ж»- синф ўқувчиларининг мучал тўйини ўтказамиз,деганда синф раҳбари Дилдора Абдуллаеванинг хаёлида шу фикр турарди.**

**— Сиз орзу фасли — болалик билан хайрлашмоқдасиз. Энди умрингизнинг фаолият фасли бошланади. «Мен ҳуқуқшунос бўламан», деб кеча ойга қараб хаёл суриб ўтирсангиз, ярашарди. Эртага хаёлнинг ўзи камлик қилади. Сизнинг қўлингизда, албатта, тарих, ҳуқуқ илмига оид китоблар бўлиши ва бу китоблар сизнинг ошнонингизга айланиши шарт.**

**— Дилдорахон мучал тўйини ана шундай гаплар билан бошлади. Болалар ўзлари шарафига тузалган дастурхон, хониш қилаётган хонанда-ю созандалар, гўзал тилаклар бағрида бирдан ўзларини севимли, эъзозли ҳис этдилар. Севги, меҳр инсонни яхшилаштиради. Қадрни ўргатади. Олти йил бир синфда ўқиб қадрдон бўлиб қолган болалар яна ҳам қадрдонлашгандек, жипслашгандай бўлди.**

**Наргиза КАЛОНОВА:**

**— Ота-оналаримиз, устозларимизнинг бизга хизмат қилиб юрганларини кўриб: «Яхши инсон бўлишим керак» дегим келяпти.**

**Мунира АНОРБОЕВА:**

**— Бизни карнай-сурнайлар билан кутиб олишди. Ҳаётимдаги энг қувончли куним бўлди мучал тўйимиз. Ҳаммаҳамма кўзимга гўзал кўриняпти.**

**Қобил УСМОНОВ:**

**— Бир-бирларимизга биринчи марта кўпчиликнинг орасида совға бердик. Катта бўлиб қолдик.**

**Бу мучалдошлар — тўй болалар гапи. Шеъру қизиқчиликлар, ашулаю рақслар билан ўтган мучал тўйидан сўнг болалар устозлари билан қўлларини кўксига қўйиб хайрлашдилар. Кўзлари жиддий. Ҳа бекорга ўн икки — бир мучал дейилмас экан-да. Озод Ватан болалари учун бу рақам ҳаёт синовларида катта салобат касб этар экан.**

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг тергов гуруҳи томонидан 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида бир гуруҳ айбланувчилар томонидан содир этилган террористик актлар тўғрисидаги жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари тамомланди.

Мазкур жиноят иши юзасидан 22 нафар айбланувчилар террористик актларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовузни ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланадилар.

Жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди.

Юқорида кўрсатилган жиноятларга алоқадор бошқа шахсларга нисбатан тергов ва қидирув ишлари давом этмоқда.

# ЯРАЛИШНИНГ МУКАММАЛ ТАРКИБИ

Табиий фанларга бағишланган ҳозирги дарсликларнинг асосий устунларини ташкил қилувчи ғарб олимлари ҳам илоҳиятга ишонганлар. Ғарб олимларининг таърифига кўра бутун дунё олимларининг қироли деб тан олинган И. Нютон ўта диндор бўлган. У минг бетдан ортиқ диний асарлар яратган бўлиб, унинг бу рисоласига А. Эйнштейн жуда катта баҳо берган. Нютон ўзининг оптика ҳақидаги китобида: «Кўзни оптика ҳақидаги қулоқни эса товуш тўғрисидаги маълумотлардан хабарсиз зот яратган бўлиши мумкин эмас», — дейди. У инсондаги икки кўз, икки қулоқ, икки оёқ, икки қўл каби жуфтликларни таърифлаб фақат кўз тиниқ моддадан ташкил топганлиги, ёруғлик қабул қилиб синдириши ва фокус ҳолатига келтиришини аниқлаб, кўз, қулоқ ва миянинг маълум гармония асосида фаолият кўрсатиши тасодиф эмаслигига урғу берган.

К. Линней — швед табиатшуноси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тузилмасини тузган олим. Унинг бинар номенклатураси биология фанида мустаҳкам ўрин олган. Линней турларининг доимийлиги (ўзгармаслигини) ва креоционизм таълимотини ҳимоя қилган. У «Табиат систематикаси» деган китобида: «Оллоҳ ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини мукаммал тартиб билан яратган — мен шу қоидани ихтиро қилмоқчиман» деб ёзган. Линней замондошларининг ёзишларича, у ўзининг талабаларга ўқиган охирги маърузасида шундай деган: «Инсон бу дунёда қаримайдиган, сўлимайдиган гуллар териши керак, булар ҳалоллик, поклик, тўғрилик билан бир қаторда эътиқод ва имондир!» У ўғлига қолдирган васиятида гуноҳ ишлардан четда бўлишга ва ҳаётий фаолиятида Худодан қўрқишга чақирган.

Россия фанлар академияси пойдеворига асос солган М. Ломоносов «Фан ва дин бир онанинг опа-сингил икки қизи бўлиб, бир-бирлари билан тўқнашмай мутаносиб ҳолатда фаолият кўрсатадилар. Дунёда иккита муқаддас китоб бор. Бири яратувчининг иродаси билан яратилган чексиз, гўзал дунё ҳақида бўлиб, иккинчиси эса Яратувчининг ҳақ эканлигини исботловчи диний китобдир» деган хулосага келган.

Астрономия фанининг асосчилари бўлган Коперник, Келлер, Галилей, замонавий алгебра фанининг асосчиси Виет, машҳур математика олимлари Декарт, Гаусслар диндор бўлишган. Атмосфера босимининг ихтирочиси Торрмчелли, гидростатика фанининг асосчиси Паскал электр ва электромагнетизм фанига улкан ҳисса қўшган Галвани, Кулон, Волт, Амперлар ҳам динга эътиқод қилишган. Кимёгарлардан Лавуазе ва Менделеев, ёруғлик тадқиқотчилари Френел, Фуко, Фарадей, Майер, Беккерел, Резерфорд, Пparticularly нклар ҳам худога ишонганлар. Микробиология фанининг асосчиси Пастер, физиология соҳасининг оталаридан Павлов, ирсият қонинининг ихтирочиси Мендел, радио асосчиси Попов, электр лампочкани кашф қилган Эддисон, рентген нурини очган Рентгенларнинг диндор бўлишлари фанда улкан ютуқларни қўлга киритишда фақат фойда берган.

Дарсликлардан маълумки, физика соҳасидаги олим, Нобел мукофоти совриндори Маркони «Агар инсонда диний ишонч эътиқод мустаҳкам бўлса, у учун дунё сир-асрорларини очишга кенг имкон очилади», — деган.

Ақлли ва фаросатли кишилар дунёни маълум қонун ва қоидалар орқали бошқариб туришни қадим замонлардаёқ англаганлар. Машҳур инглиз файласуфи Ф. Бейкон ёзган эди: «Агар одам фалсафа фанини юзаки билиб, тушунчаси саёз бўлса, у даҳрийликка мойил бўлади. Акси эса кишини диндорликка ва тақвога чорлайди. Яқин ўтган 70 йиллик тарихимиз олимнинг бу фикри тўғри эканлигини исботлади. Инглиз олимларидан Келвин ўз вақтида «Агар киши чуқур ўйлаб кўрса, фан Худонинг борлигига ишонтиради», деб ёзган эди.

Асримиз фанининг буюк даҳоси А. Эйнштейн диндор ва эътиқодли инсон бўлган. Академик Р. Бекжоновнинг маълумотига қараганда, Эйнштейн динга чуқур ҳурмат билан қараган. Олим ўзининг ютуқларини ўз меҳнати натижаси эмас, балки Аллоҳнинг марҳамати деб ҳисоблаган. У ўзининг «Фан ва дин» деб аталган мақоласида дунё Яратгувчи томонидан яратилганлигини илмий исботлашга ҳаракат қилган. У мазкур мақолада «Коинот сирли, гўзал ва мутаносиб бўлиб, унинг жозибасига ҳайратланмаган одам ўлик билан баробардир. Фан динсиз кўр, дин эса фансиз чўлоқдир. Коинотга ҳар тикилганимда Худонинг борлигига ишонаман», — деб ёзган.

Маълумки, фаннинг ривожланиши, янги-янги ихтироларнинг кашф қилиниши ҳам уни муаммолардан халос қилолмайди. Чунки у ҳамма вақт чегараланган ҳолатда бўлади. Ҳар қандай фан умуминсоний қоидалар, одоб-ахлоқ чегараларидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Олимлар орасида инсониятга азоб-укубат ва ажал келтирувчи қуроллар ихтирочилари ҳам борлиги ғоят ачинарлидир. Бу тоифадаги олимларни олим эмас, балки инсониятга, бутун борлиққа қарши жиноят қилган осий бандалар дейиш тўғрироқдир.

### Илм — ўзликни англашдир



Фан ва дин сиртдан бир-биридан фарқланади ва баъзан қарама-қаршидек бўлиб кўринса-да, аслида иккови ҳам бир мақсад — дунёни билишга хизмат қилади. Муқаддас китобларда «тажриба» (эксперимент) сўзи учрамайди. Табиий фан соҳасидаги дарсликларда эса «эътиқод» сўзи деярлик ишлатилмайди. Бу сўзлар дунё ва табиатни билишда ҳамда инсоннинг ўз-ўзини англаш жараёнида ишлатиладиган усуллардир. Олим илмий тажрибага эга бўлиш билан бир қаторда эътиқодли ҳам бўлса, табиатдаги муайян қонуниятларга сидқидилдан ишонса, бу унинг ақл-заковати ва тафаккур доирасини кенгайтириб, илмий кашфиётларнинг тезроқ кашф этилишига ёрдам беради.

Эътиқодсизлик инсоннинг тасодифан дунёга келганлигини ва тасодифлар орасида ҳаёт кечиришини кўрсатиб, уни боши берк кўчага етаклайди. Ҳаётга дин орқали яқинлашиш унга ўзгача маъно ва мақсад касб этади. Дин фақат ҳаёт тарзини енгиллаштиришда, оғир кунларда ва эҳтиросларни жиловлашда ёрдам бериши билан чегараланмайди. Руҳшуносларнинг кузатишича ва статистика маълумотларига қараганда, диндорларнинг осойишта қувончли кунлари атеистларга нисбатан бир неча баробар кўп эканлиги аниқланган.

Дин ҳар қандай инс-жинсларга, иримсиримларга, руҳларга сиғиниш, ҳайвонларни муқаддаслаштириш ва қандайдир мавҳум тушунчалардан юқоридир. Борлиқдан ташқаридаги руҳий дунёни инкор қилиш инсоннинг ўз-ўзини инкор қилиш билан баробардир.

Фан келгусида моддий дунёни воқеа-ҳодисаларни ва сир-асрорларни тушунтириб бериши мумкин. Лекин уларнинг қандай пайдо бўлганини диний китоблардан ўтказиб тасвирлаб беролмайди.

Бир мухбирнинг атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни вақти келиб фан тушунтириб бера оладими?, деган саволига Эйнштейн «Эҳтимол моҳиятини очиб берар, лекин бунинг қизиғи йўқ, чунки, фараз қилинг-чи, Бетховеннинг 9-симфонияси ҳаво тебраниши асосида график шаклда тасвирланса, гўзал тасвирий санъат сўз билан гапириб берилса, унинг инсонга таъсири ва жозибаси қолмайди. Шунинг учун дунё сирли бўлгани маъқул», деб жавоб берган эди. Дарҳақиқат, динга фан нуқтаи назаридан яқинлашиш худди сураткашнинг бир неча ўлчамдаги расмини эслатади, холос. Олам ва ҳаёт эса ҳар қандай илмий тавсиф ва ўлчамлардан бой, жозибали, сирли ва юқоридир.

Эътиқод ҳақиқатга илм ва фан орқали етакловчи кўприкдир. Атроф муҳитдаги дарахтлар ва ҳайвонларни инсон ўз кўзи била кўриб олдидаги ҳақиқатга ишонади. Агар бир одамга Русияда аждаҳо пайдо бўлибди, десангиз бу хабарга шубҳаланади, чунки у бундай маҳлуқотни ўз кўзи билан кўрган эмас. Худди шунга ўхшаш инсон кўзи билан кўролмайдиган, қўли билан ушлолмайдиган Аллоҳ бор десангиз, бунга баъзи гумроҳ бандалар ишонмайдилар. Чунки Аллоҳни моддий кўриш ва ўлчаш мумкин эмас. Бундай мураккаб ва сирли учрашувга инсон жисми ҳали тайёр эмас. Бу ҳақида Қуръони каримда қисса келтирилган бўлиб, унда инсон Аллоҳни қалбан ҳис қилиши кераклиги уқтирилади. Шунинг учун инсонга ҳақиқат яқин бўлса, эътиқод кўприги қисқа бўлади. Агар акси бўлса, бунинг тескариси бўлади.

1997 йил АҚШда 23 олим томонидан ёзилган (улар орасида фан докторлари, профессорлар, Нобел мукофотининг совриндорлари бор эди) «Биз ишонамиз» деган китоб нашрдан чиқди. Ушбу китобда энг замонавий асбоблар орқали Ч. Дарвиннинг одам маймундан пайдо бўлган деган назариясини «тасдиқловчи» ашёларнинг кўпчилиги сохта эканлиги тўлиқ исботланган.

Охирги пайтда АҚШ, Канада, Германия, Австралия ва Россияда худонинг борлиги ҳақида физика, химия, математика ва биология соҳасида кўплаб китоблар ёзилиб, уларнинг муаллифлари ҳар хил нуфузли мукофотларга сазовор бўлмоқдалар.

Австралиялик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор Полтеди «Худо яратган онг» деган китоби учун миллион доллар пул мукофотни олган. Мюнхендаги М. Планк институтининг физик олими Ф. Тэллер «Физика ва адабиёт» деган асари учун Темблетон мукофотининг совриндори бўлган. У ўз китобида Коинотнинг бошланиши ва тугалланиши, (қиёмат-қойим бўлишини) ўликларнинг тирилиши мумкинлигини физика ва математика фани асосида исботлашга ҳаракат қилган. Канадалик астрофизик олим Кюро дунёнинг худо томонидан яратилганлигига бағишланган 4жилдлик китоби ва АҚШ телевидениесининг «Менинг худога ишониш сабабларим» деган қатор чиқишлари учун Америка ҳукуматининг алоҳида мукофотига сазовор бўлган. Россия Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси В. Раушенбахнинг маълумотига қараганда, дунё олимларининг 92 фоизи Аллоҳнинг мавжудлигига ишонадилар.

Гапни мухтасар қилсак, эътиқод амалий ва назарий ишончдан иборат бўлиб, табиатдаги Яратувчини исботловчи далил ва назарий омиллар асосида мантиқий силлогизмга (икки фикрдан учинчи мантиқий хулоса чиқариш) олиб келади. Зеро, Яратувчи ўз бандаларига онг ато этган. Мана шу тафаккур шуъласи инсоннинг атроф, муҳит ва табиатни билиши учун беқиёс восита ҳисобланади. Аммо тафаккур чархланиб, кенг мушоҳадали кузатишлар йиғиндиси тўғри хулоса чиқариш даражасидаги мулоҳазага айланган тақдирдагина ундан ижобий натижа кутиш мумкин. «Шундай қилиб, тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизга ўз оятларини баён қилади: (Бақара сураси) «Аввал ҳам охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам унинг ўзидир. У барча нарсани билгувчидир» (Ҳадид сураси). Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Қуръони каримда Илоҳиятнинг бу тарзда ифодалаб берилиши Тангрини шахс қиёфасида тушунишгагина зарба бериб қолмасдан, балки олимларимизнинг бу борада янада чуқур ва ҳаққоний изланишлар олиб боришларига ҳам катта замин бўлади.

**Муҳсин ВАЛИХОНОВ,**
**биология фанлари доктори, профессор**

# ЧАЛА СИЁСАТДА «ИТ-МУШУК» ЎЙИНЛАРИ

**Боши биринчи бетда**

Ҳозирги кунда Республикамиз олимлари, кенг жамоатчилик, қолаверса халқимиз ўртасида бу кучларнинг асл мақсадларини очиқ-ойдин очиб бериш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз кўрсатгандек, тажовузкор ақидапарастлар ва чет элларга қочиб кетган ватанфуруш чала демократлар гўёки ўзларини ўзбек халқини манфаатларини ҳимоячиси қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўзларини мавжуд ҳокимиятга оппозицияда турган сиёсий куч деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Уларнинг бу даволарини асосий мақсадини кўриб чиқайлик. Улар мавжуд ҳокимиятни нималарда айбламоқдалар. Ислом ақидапарастлари Президент И. Каримов бошчилигидаги ҳокимиятни авваламбор ўзбек халқининг моҳиятига зид бўлган демократик жамият қуришда айбламоқдалар. Гўёки демократия исломга, халқимиз қадриятлари ва маънавиятига зид эмиш. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий жамиятни қуриш мақсад қилиб олиниши ривожланган Ғарб мамлакатларига сотилиш, умуман демократия — куфр таълимоти, ҳақиқий ислом давлатлари халифалик асосида тузилиши керак, халқ ҳокимиятчилиги сайловлар асосида амалга ошиши, инсон эркинлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши ва бошқа шунга ўхшаган демократик тамойиллар миллатнинг бузилишига, маънавий қадриятларнинг йўқ бўлишига олиб келади деган даъволарни қилмоқдалар.

Мустақиллигимизга хавф-хатар солаётган иккинчи куч хорижий мамлакатларда юрган ватанфуруш «демократлар» Президентни Ўзбекистонда демократик жамият қуришда Ғарб демократиясига бўйсунмаяпти, деб айбламоқдалар. Улар шарқона демократия мавжудлигини тан олишни хоҳламаяптилар. Ўзбекистон давлат қуришда ўзига хос ва ўзига мос йўл танлаб олганлигини демократик институтлардан чекиниш демоқдалар. Уларнинг фикрича, ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда Ғарбда мавжуд бўлган барча демократик институтларни ўрнатиш зарур эмиш.

Энди бу иккала ватанфурушларнинг ғояларини таққосласак, улар бир-бирига қарама-қарши бўлган кучлар эканлигини кўришимиз мумкин. Диний ақидапарастлар Президент И. Каримовни Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуришда айбласалар, иккинчилари бунинг акси. Ўзбекистонни гўёки демократик жамият қурилмаётганликда айблайди. Бу икки қарашни соддароқ қилиб ифодаласак, ит билан мушукнинг ўртасидаги муносабатлар кўз олдимизга келади. Улар агар ўз қарашларига садоқатли бўлсалар, фидойи бўлсалар, биринчи навбатда Президент И. Каримов сиёсати билан эмас, балки бир-бирлари билан курашишлари зарур эди. Чунки Президент И. Каримов Ўзбекистон келажагини турли номдаги диний ақидапарастлар каби афсонавий халифаликда кўрмайди ёки ватангадо чала демократлар каби Ғарб мамлакатларида бир неча ўн йиллар давомида вужудга келган, ўша давлатларда миллий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллашган демократик институтларни «кўр-кўрона кўчиришни» мақсад қилиб қўймайди. У Ўзбекистонда ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, давлатчилик тарихи, маданиятига асосланган ҳолда ўз асл давлатчилигимизни тузиш йўлидан боради. Ёки бошқача қилиб айтганда, икки зиддиятли ғоялар ўртасида Ўзбекистонга хос ва мос йўл танлаб олинган. Ўзининг ғоявий ва сиёсий моҳиятига кўра бир-бирига қарама-қарши бўлган ақидапарастлар ва чала демократлар нима сабабдан бир-бири билан курашмсдан ва аксинча, оғиз-бурун ўпишиб кетганликлари, ўз йўлини танлаб олган мустақил давлатимизга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилишга келишганликлари шуни кўрсатадики, улар ҳеч қачон маълум бир ғоя учун сидқидилдан хизмат қилмаганлар. Лекин уларнинг хавфли томонлари шундаки, улар ҳеч қачон ўзларининг қабиҳ ниятларини очиқ айта олмайдилар. Диний экстремистлар ўз қора ниятларини халқимиз учун муқаддас бўлган динимиз билан ниқобласа, иккинчилари халқимизнинг ҳурликка, эркинликка бўлган орзу-умидларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Лекин улар муқаддас динимизни умуминсоний демократик институтларга, халқимизнинг эркинлик ва тараққиётга бўлган интилишини эса динимизга қарама-қарши қўяётганликларини тушуниб етмайдилар. Чунки ҳокимият учун курашдаги ёвуз ниятларни амалга оширишда муқаддас динимиз ҳам, халқнинг орзу-умидлари ҳам улар назарида ҳеч қандай рол ўйнамайди. Улар ҳеч қачон ўз ғояларига ишонмаганлар, унга садоқатли бўлмаганлар. Мақсад эса битта — ҳар қандай йўл билан ҳокимиятни қўлга киритиш. Бу йўлда улар шайтон билан ҳам тил топишиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз улар сиёсатида ит билан мушук тил топиб кетди деб айта оламиз.

Ҳозирги кунда бу икки куч бирлашиб, асосий мавжуд ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилмоқда. Айтайлик, гўё ҳокимиятни қўлга олишди, қани, унда қандай давлат қурадилар? Улар агар ўзаро мурosaга келиб, икки қарама-қарши ғоя ўртасидаги йўналишни танласалар, бу йўналиш — бизнинг урф-удумларимиз, қадриятларимизга асосланган давлатчилик — ҳозирда мавжуд ҳокимият томонидан амалга ошяпти. Демак, бу ҳолда бундай ҳокимият учун курашнинг ҳожати йўқ. Лекин агар улар ҳар иккаласи ҳокимият тепасига чиқиб олиб, аравани ўз тарафига тортадиган бўлса, қонли можаролар бошланади. Уларнинг калтабин, шахсий манфаатлари туфайли халқ бошига кулфат ёғилади.

Ҳозирги вақт биз XXI аср бўсағасида турибмиз, бу фан ва техника, иқтисодиёт ва сиёсат ривожланган даврдир. Ушбу даврни чуқур билимли, илмли, тажрибага эга бўлган мутахассислар даври деб айтишимиз мумкин. Ўзларини «халқ йўлбошчилари» деб эълон қилишга ҳаракат қилаётган диний экстремистлар ҳам, ватангадо чала демократлар ҳам на диний илмга, на иқтисодий, сиёсий илмларга, на давлат қурилиши бўйича тажрибага эгадирлар. Нодон одамнинг ҳокимият тепасига келиши халқ бошига қанчадан-қанча азобу кулфатлар солишини тарих исбот этган.

Ўзларини ислом тарафдорлари деб билган «ислом лашкарбошилигига» даъво қилганларга қарата Аллоҳ таолонинг муқаддас китоби бўлган «Қуръон карим»нинг Ҳаж сураси 8—9 оятларига эътибор беришларини ва уни мусулмон сифатида, агар уларни мусулмон дейиш мумкин бўлса, тушунишларини истардик: «Одамлар орасида ўзи билмаган ва (Ҳақ йўлига) ҳидоя топмаган ҳолида, бирон нурли Китобсиз (яъни аниқ ҳужжатсиз, Тўғри йўлдан) бўйин буриб, (ўзгаларни ҳам) Аллоҳ йўлидан оздириш учун Аллоҳ хусусида мужодала қиладиган кимсалар ҳам бордир. У (кимсалар) учун бу дунёда расволик-шармандалик бўлур, қиёмат кунида эса унга ўт азобини тотдирурмиз». Наҳл сураси 116-оят: «Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиш учун (яъни Аллоҳ буюрмаган ҳукмларни Аллоҳники дейиш учун) тилларингизга келган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар. Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар». Шу мазмунда ҳадислардан қуйидагиларни кўрсатишни хоҳлардик: «Ҳақиқий мусулмон улким, унинг тилидан ва қўлидан мусулмонлар азият чекмайдилар». «Ҳақиқий мўмин улким, унинг дастидан одамларнинг мол-жонлари омонда бўлади». Ёки яна бир ҳадисда: «Аллоҳ таологa ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш, ота-онасига оқ бўлиш ва ёлғон гувоҳлик бериш гуноҳларнинг энг каттасидир», дейилади.

Хорижда юрган чала демократларга қараб чинакам демократияни, жаҳон демократик ҳамжамиятининг Президентимизнинг давлат қурилиши соҳасидаги собит қадамлигини қўллаб қувватлашларини кўрсатиш мумкин. Бу икки сиёсатдаги «ит-мушук»ларнинг 16 февралдаги уюштирган фитналаридан ғазабланган жаҳоннинг қарийб барча давлат раҳбарлари, халқаро ташкилотлари раҳбарлари, сиёсатдонлари Президентимизни қўллаб-қувватлаб юборган мактубларидан мисоллар келтирмоқчимиз:

Америка Қўшма Штатлари Президенти Уилям Ж. Клинтон ўз мактубида: «Америка халқи ва мен кеча республикангиз пойтахти — Тошкент шаҳрида юз берган портлашлар ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда оғир қайғуга ботдик. Биз фожиали ҳалок бўлган кишилар оиласига чуқур таъзия билдирамиз», — деб таъкидлаган.

### Сиёсий сабоқлар

Туркия жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл йўллаган хатида: «Тошкентда рўй берган мудҳиш воқеалар ҳақидаги хабарни эрталаб эшитдим ва қайғуга ботдим. Бу террорчилик хуружини қоралаб, Сиз Зоти олийларининг оқилона раҳбарлигингиз остида Ўзбекистондаги барқарорлик ва фаровонликка путур етмаслигига ишончим комил эканлигини яна бир бор изҳор этмоқчиман» — деган.

Ён қўшнимиз Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ўз хатида шундай ёзган эди: «Сиз пировард мақсадга эришмоқ муқаррарлигига қатъий ишонган инсонсиз. Сизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлар, хусусан, қўрқитиб қайтармоқчи бўлганлар, овора бўлишади. Мен Сизни давр ўзи олдимизга қўйган муаммоларни бутун мураккабликлари билан теран идрок этадиган доно, Ўзбекистоннинг истиқлол ғоясига содиқ, ватанпарвар давлат арбоби сифатида биламан ва ҳурмат қиламан. Ниятим шу: бардам бўлинг, омадингизни берсин!».

Шунга қарамай ғайр кучлар ҳозирги кунда ҳам ҳокимият, амал талвасасида юрибдилар. Улар ватанимиздан узоқда туриб халқимизнинг мамлакатдаги тинч, осойишта ҳаётини, халқаро тотув муҳитни, халқ билан Президент бирлигини, Президентнинг ўз халқига, халқнинг эса ўз Президентига садоқати, муҳаббати яқинлигини кўра олмай, ўзларининг ғаламисликларини давом эттирмоқдалар. Улар баъзида Ўзбекистонни Ғарбга қарама-қарши қўйишга, баъзида қўшни давлатларга қарши қўйишга, баъзида ёшларимизни алдаб ўз таъсирига ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Террорчилик фаолиятларини давом эттириш билан дағдаға солишмоқда. Улар халқ сайлаган Президентга ўзларича турли шартлар қўйишмоқчи.

Халқимизда «қўрқоқ олдин мушт кўтарар» деган нақл бор. Мустақилликка эришган халқимизни шундай қўрқоқ, худбин, ватанфуруш «ит-мушук»лардан Аллоҳнинг ўзи сақласин. Биз мақоламизни Президентимизнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: **«Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир карра таъкидламоқчиман: бугунги кунда ҳам, агар бирор кимсанинг хаёлида бизни танлаган йўлимиздан оғдириш, хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш истаги бўлса, билиб қўйсинки, энди кеч бўлди. Бизга тазйиқ ўтказиш, турли хил бузғунчилик, портлашлар, террористик ҳаракатлар билан мамлакат раҳбарини маҳв этиш, ҳаётимизни издан чиқариш, олдимизга қўйилган мақсадлардан чалғитишга уриниш вақти ўтди».**

**Озод АББОСХЎЖАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Деҳқоннинг режаси — эзгу ният ва ҳалол меҳнат**



Токзорлар оралаб

# ҚИЗИЛҚУМ ҚУДУҚЛАРИ

Қизилқумда йўллар кўп. Бу йўллар сизни чироқлари милтираб турган чўпон ўтовларига бошлаб боради. Қизилқум тарихи узун. Унда осмонўпар нилий гумбазлар кўринмайди. Улар вақт тўфонлари остида қолиб кетган. Агар Қизилқумнинг тарих қатламлари ўрганилса, балки нилий гумбазлар ҳам топилар. Озмас-кўпмас жўғрофий адабиётларда Қизилқум миллион йиллик тарихга эга эканлиги қайд этилган.

Қизилқум йўлларида тилла ортган карвон қўнғироқларининг садоси кўмилган. Аммо бу улкан кенгликларнинг кейинги эллик йиллик тарихи алоҳида залворга эга. Қизилқумда қазилган қудуқлар номини энди ҳеч қачон хотирлардан ўчириб бўлмайди. Масалан, Шарифқозон қудуғи, дейишади. Демак Шариф деган одам ўша қудуқни қазиган. Бундай қудуқлар Қизилқумда мингдан ошиқ. Конимех тарафларда бўлганимизда «Ойша қўра» ҳақида гапириб беришди. Ойша исмли аёл эри урушга кетгач, унинг ўрнида бригадиру чўпон бўлиб ишлайди, этик билан сув кечади, орден-медаллар олади. Мана эллик йилдирки, у қўй боққан яйловларнинг номи «Ойша қўра».

Яна бошқа бир «Хайригул қўра» тарихи ҳам шунга ўхшаш. Чўпон Қалий Айдаровнинг аёли Хайригул опа ҳам бригадирлик қилган. Қалий оға урушдан ногирон бўлиб қайтди. Хайригул опа эрига энг яқин ёрдамчи бўлди. Опанинг ғайрати туфайли Қалий оға эл оғзига тушди, обрў топди. Хайригул опадан ҳануз одамлар эслаб юрадиган ном қолди — «Хайригул қўра». Қизилқумликлар учун мана шундай ном билан юритиладиган қудуқлар, булоқлар, қўралар эзгу хотира. Чунки бу қўҳна масканда етмиш йилнинг нари-берисида хўжаликлар, кўчалар, мактаблар етти ёт номлар билан юритиларди. Энди эл ҳар ерда ўз қутлуғ номига эга. Тарихий хотирасини тиклаяпти. Бўлмаса, Сталин деганлар Қизилқумга келиб қудуқ қазибдими, қўра солибдими. Қўра — қўтонларни Ойшахонлар, Хайрихонлар, Валибеклар солганлар. Эллик йилда эл ўзгаради дейишади. Тўғри, эл ўзгаради. Аммо Қизилқум... Ҳамон бепоён. У коинот билан туташиб ётади.

**Маҳмуд МАРДИЕВ**
**Навоий**

**Деҳқоннинг режаси — эзгу ният ва ҳалол меҳнат**



Бошоқлар ризқ сочиб шовуллар

# ЁЗМА МЕРОСИМИЗНИНГ ЗУККО БИЛИМДОНИ



Ўзбек шарқшунослик фанининг етук дарғаларидан бири Асомиддин Ўринбоев 70 ёшга тўлди.

У 1929 йили Тошкентнинг Эски Жўва даҳасида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факултетида ўқиган. Шу асно форс, араб ва инглиз тилларини қунт билан ўзлаштирган. Мадрасани хатм қилиб, ўша кезлар шу даргоҳда ишлаётган Содиқ Мирзаев, Мажид Баҳодиров, домла Ғаниев сингари устозлардан қадимий қўлёзмаларни таржима қилиш санъатини, уларга илмий шарҳлар ёзиш сирларини ўрганган.

Университетни битиргач, Асомиддин Ўринбоев ҳарбий хизматга чақирилади. Чегара қисмларида таржимонлик билан шуғулланади. Сўнгра ЎзФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга киради. Шу-шу ушбу масканда узлуксиз меҳнат қилиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида у кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади, бир қанча вақт директорлик қилди. Ҳозирда эса қадимий қўлёзмаларни ва ҳужжатларни тадқиқ этиш учун куч-ғайратини сарфламоқда.

Асомиддин аканинг илмий фаолиятига назар ташласак, у икки йўналишда олиб борилганини кўрамиз. Биринчиси — ёзма меросни ўрганишда калит вазифасини ўтовчи каталоглар — тавсифлар тузишдир.

Маълумки, аждодларимиз томонидан битилган ва асрлар оша бизгача етиб келган қўлёзма асарларга бир зайлда ва барча эътироф этган илмий тавсифлар тузиш илгарилари расм бўлмаганди. Эҳтимол, ўтмишда кўплаб сулолалар, масалан, темурийлар саройларида, Маъмун академияси давридагидек илм-фан ривожига катта эътибор берилган пайтларда тўпланган ёзма манбаларга маълум тартиб-қоидалар асосида рўйхатлар тузилгандир. Бироқ биз бу борада тайинли маълумотларга эга эмасмиз.

Қўлёзмаларга илмий-изоҳли каталоглар тузиш иши асосан шарқшунослик соҳаси ижтимоий-гуманитар фанларнинг бир тармоғи сифатида шаклланган давр билан боғлиқдир. Дастлаб Европада, кейинроқ кўплаб Шарқ мамлакатларида қўлёзма асарлар ва ҳужжатларга илмий каталоглар тузиш ушбу соҳадаги изланишларнинг илк ва муҳим тармоғига айланди.

ЎзФА Шарқшунослик институтида ҳозирга келиб қарийб 60 мингдан зиёд қўлёзма асар жамланган. Институт ташкил топган 1943 йилга қадар нодир китобларнинг асосий қисми бир жойга устма-уст тахлаб қўйилганди. Улардан фойдаланиш имкони ғоят чекланганди. Илмий ходимлар ўша пайтлардан бошлаб қўлёзма асарларга илмий тавсифлар ёзиш, уларни тил ва фан соҳалари бўйича ажратиш билан шуғуллана бошладилар. Бу ишга ЎзФА мухбир-аъзоси А. А. Семёнов бошчилик қилди. Бир неча йиллик меҳнат ўз самарасини берди: 1952 йили рус тилида ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуаси каталогининг биринчи жилди босмадан чиқди. Ҳозиргача бундай жилдларнинг ўн биттаси дунё юзини кўрди. Улар жаҳон шарқшунослик фани илмий марказлари томонидан тан олинди. Ана шу каталогларнинг кейинги бир неча жилди устида олиб борилган барча ишлар шахсан А. Ўринбоевнинг илмий раҳбарлигида ва бевосита иштирокида амалга оширилди. Шу боис кўп жойда залворли, ҳар жилди 30-40 босма табоқдан иборат бу каталоглар мажмуи «Семёнов-Ўринбоев каталоги»деб аталади.

А. Ўринбоев сўнгги йилларда замон талабларини ва техникавий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда каталогларни фан соҳалари бўйича яратиш ғоясини ўртага ташлади. Бу таклиф илмий жамоа томонидан қўллаб-қувватланди. Институтда турли фан соҳаларига — тарих, аниқ фанлар, тиббиёт, филология каби тармоқларга сид махсус каталоглар тайёрлашга киришилди. 1998 йили ана шу силсилада А. Ўринбоев раҳбарлигида тайёрланган икки фихрист — тарих ва аниқ фанлар каталоглари босмадан чиқди.

Олим илмий фаолиятининг иккинчи йўналиши нодир қўлёзма асарлар ҳамда шарқ тилларидаги ҳужжатларни ўзбекчага ва русчага бевосита таржима қилиш, уларга илмий шарҳлар ёзиш ва илмий-танқидий матнларини тайёрлаш билан боғлиқдир. У узоқ йиллар аллома Убайдулла Каримов раҳбарлигида амалга оширилган Ибн Синонинг кўп жилдлик «Тиб қонунлари» асарининг илмий-изоҳли таржимасини тайёрлаш ишларида фаол қатнашди. Шу орада темурийлар даври тарихи билан ҳам жиддий шуғулланди. Натижада машҳур тарихнавис Абдураззоқ Самарқандийнинг» «Ҳиндистон сафарномаси» (1442-1444 йиллар) ва «Матлаъи саъдайн» асарларининг ўзбекча илмий-изоҳли нашрларини тайёрлади.

«Ҳиндистон сафарномаси» А. Ўринбоевнинг номзодлик ишига асос бўлди ва алоҳида монография сифатида босмадан чиқди. Шундан сўнг олим Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темурга бағишланган шоҳ асари — «Зафарнома»га қўл урди. Кўп йиллик изланишлари натижасида асарнинг 110 босма табоқдан иборат илмий-танқидий матнини тайёрлашга муваффақ бўлди. У нашр этилгач, хорижий элларда ҳам катта шуҳрат қозонди. Унга бағишлаб қатор тақризлар ёзилди. Анча йил бурун ЎзФАда бир гуруҳ олимлар билан бўлган учрашувда форс шарқшуноси Али Акбар Вилоятий шундай деганди: «Домла Ўринбоев, Сиз Яздий «Зафарнома»сининг илмий-танқидий матнини яратиб, ҳаётлигингиздаёқ ўзингизга ҳайкал қўйдингиз». Назаримда, бу биргина Асомиддин Ўринбоевга эмас, балки ўзбек шарқшунослик фанига ҳам берилган юксак баҳо эди.

Орадан кўп ўтмай Амир Темур ва унинг даврига бағишланган бошқа асарлар ҳам А. Ўринбоевнинг илмий раҳнамолиги ва иштирокида бирин-кетин ўқувчилар мулкига айлана борди. Улардан бири Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си бўлди. Ўттиз босма табоқли ушбу асар Амир Темур ҳазратларининг бевосита буйруғига биноан битилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Аммо форс тилида китобат қилингани сабабли у яқин-яқингача ўзбек ўқувчисига яхши маълум эмасди. Энди уни ўқиган киши Шомийнинг буюк бобомиздан эшитган ва китобда келтирган ажойиб фикр-мулоҳазалардан таъсирланади. Амир Темурдек улуғ зотнинг жаҳон тарихида бекорга бу қадар нуфузли ўрин эгалламаганига иймон келтиради.

Асомиддин Ўринбоев Шарқда «Иккинчи Бобурнома» дея эътироф этилган яна бир ажойиб тарихий асарнинг ҳам бизнинг мулкимизга айланишига ҳисса қўшди. Бу Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» китоби бўлиб, икки йилча муқаддам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. А. Ўринбоевнинг раҳбарлиги ва иштирокида кенг илмий шарҳлар билан рус тилига ўгирилган бу асар нафақат ўзбек халқи, балки бошқа туркий халқлар учун ҳам муҳим манбага айланди.

Асомиддин аканинг шарқ тилларидаги тарихий ҳужжатлар ва мактублар устида олиб борган ишлари ҳам диққатга сазовордир. У ўз умрининг катта қисмини Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ёзишмалари тадқиқига бағишлади. Жомий Навоийга битган юзлаб мактубларни синчковлик билан рус тилига ағдарди ва улар XV аср сиёсий-ижтимоий ҳаётини ўрганишда катта аҳамият касб этишини асослаб берди. Бу ҳақдаги монографияси учун олимга докторлик илмий даражаси берилди. Монография ўзимизда Тожикистон ва Афғонистонда ҳам ўзбек олимининг йирик илмий тадқиқоти сифатида чоп этилди. Ҳозирда қайта ишланган ва тўлдирилган нусхаси Эронда босмадан чиқиш арафасида турибди.

А. Ўринбоев айни кунларда америкалик бир шарқшунос олима билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Алишер Навоий топшириғи билан тузилган, Марказий Осиё ёзув маданиятининг дурдоналаридан бўлмиш «Мажмуа-йи муросалот» («Темурийлар Ҳирот саройига йўллаган автограф хатлар») тўпламидаги Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, унинг яқин муридлари мактубларини рус ва инглиз тилларига таржима қилиб, илмий шарҳлар билан АҚШда нашр этишга тайёрламоқда. Шунингдек, бир гуруҳ шарқшунослар олим раҳбарлигида Япониянинг Киото университети олимлари билан ҳамкорликда «Хива қозилик ҳужжатлари»ни нашрга тайёрлаш устида иш олиб бормоқдалар.

А. Ўринбоев кўплаб халқаро илмий анжуманлар иштирокчисидир. Унинг ўнлаб асарлари бошқа тилларда босилган. Умуман, олим яратган асарлар 300 дан ортиқ бўлиб, умумий ҳажми 600 босма табоқни ташкил этади. Манбашунослик бобида олиб борган улкан ишлари учун у Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган, ҳукуматимиз Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган.

Маҳнаткаш ва сермаҳсул олим Асомиддин Ўринбоев ҳамон изланишда. У умрининг етмишинчи баҳорини ўнлаб шогирдлари даврасида даста-даста китоблари билан қаршиламоқда.

**Баҳриддин МАННОНОВ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори ўринбосари**



Гуллар кўйинида кўнгил
Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

# ИЛОҲИЙ БОҒЛИҚЛИК РИШТАЛАРИ

## *«Алпомиш» ва Чингиз Айтматов*

*Тадқиқот*

Ҳақиқий санъат асаридан баҳраманд бўлган одам бамисоли тоат-ибодатдан кейинги ҳузурни, енгилликни, руҳий покланув туйғусини ҳис этади. Санъат миллий, диний, ирқий, ҳудудий тафовут ва бўлинишларни тан олмайди. Чин санъаткорлар қайси замон, қайси маконда яшаганликларидан қатъий назар, илоҳий дунёнинг муқаддас каломида сўзлайдилар: яшаган, яшаётган, яшайдиган одамларни руҳан бойитадилар, қалбларни гўзаллаштирадилар.

Машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов ижоди ҳақида гап кетганда кўпчилик туркий халқлар мифологияси ва халқ оғзаки ижодини эсга оладилар. Айрим адабиётчилар асарларининг илдизини машҳур «Манас» эпосидан излашади. Менга қолса, Ч. Айтматов асарларининг таг-томири туркий халқлар эпослари, хусусан, «Алпомиш»га уланиб кетади. Мисол учун «Алпомиш» достонида Алпомишнинг Кўкалдош билан кураш тушиш воқеаси бор. Кўкалдош алпларнинг энг зўри, номдори. Алпомиш ана шу алпга қарши майдонга чиқади. Кураш чоғида ҳар икки полвон қаттиқ ҳолдан тояди. Шу пайт Алпомишга руҳий мадад ниҳоятда зарур эди. Шу боис Барчиной Алпомишга ёрдамга чоғланади, яъни севгилисидаги иззат-нафсини қўзғатади. Мана шу руҳий мадад, эр билан бирга ўлиб, бирга тирилиш туркий аёлларининг қон-қонига сингиб кетган. Чингиз Айтматов асарларидаги аёллар тимсолида мен Барчинойдаги руҳий мададкорликни, майдон кунда суянчиқ бўлишликни кўраман:

**Мардлар олишмайди, силтаб отади,**
**Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.**
**Бўш одамнинг иши қийин кетади,**
**Барчинойнинг бундай кўнглин бўлмагин,**
**Кўп олишиб, ўзинг ҳалок қилмагин.**
**Қиз бола деб мени номард билмагин,**
**Навбат бергин, сира гина қилмагин.**
**Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин,**
**Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,**
**Ушласам қалмоқни нобуд қилайин,**
**Оғир олма, тўрам, навбат сўрайин.**

Бундан ташқари, Чингиз Айтматов ижодида биронта асар йўқки, унда инсоннинг таянчи бўлган ҳайвон тимсоли бўлмасин. Ёзувчи асарларида от тимсоли ниҳоятда кўп тасвирланган. «Жамила», «Эрта келган турналар», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татигулик кун» асарларида қаҳрамонлар қалби отга муносабатда, отга боғлиқликда ёритилади. Менинг тасаввуримда Гулсари Бойчиборнинг узоқ авлоди. Бойчибор, ёдингизда борми, дастлаб қўримсизгина, юмюмалоққина от эди. У Алпомишга эш, ҳамдам бўлгач, илоҳий тулпорга айланади. Алпомиш бошига тушган кулфатлар Бойчиборни ҳам четлаб ўтмайди. Алпомиш етти йил зиндонда ётади. Бойчибор етти йил оёқларига зил-замбил тош осганча тик туради. Бойчибор Алпомишни не-не чоҳлардан олиб ўтади. Бир сўз билан айтганда, у Алпомиш шаъни-номуси учун жон бериб, жон олади. Чингиз Айтматов асарларида Жамила отнинг бўйнини силаб туриб Дониёрга гап қотади. Танабой ҳаётининг сафоли дамлари Гулсари билан боғлиқ. Танабой ўлаётган Гулсари тепасида туриб турмушидан кўз юмган дўсти Жўрани эслайди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Асрга татигулик кун» романида Қоранор образи алоҳида ажралиб туради. Илло, Эдигей ва Қозонғап дўстлиги бўта Қоранорни совға қилишдан бошланади. Қоранор Эдигей қалбидаги ўзгариш, ҳолатларнинг юзага чиқиши, кўринишини ифодалайди. Зарифанинг кетиб қолганининг аламини Эдигей Қоранордан олади. Қоранор шунчаки тимсол эмас. У руҳоний ҳаёт ва Эдигей руҳиятининг боғловчиси. Ажабки, «Алпомиш» достонида ҳам Қоранор тимсоли бор. Қалдирғоч Ултонтоз буйруғига биноан туя боқади. Унинг туялари орасида Алпомишни таниган, билган Қоранор бор. Алпомиш ўз юртига кириб келаётганини Қоранор ҳис қилади:

**Етти марта бу қора нор айланиб,**
**Бўзлаб қилди бек Ҳакимни зиёрат.**
**Ҳайвоннинг меҳрини шунқор кўради,**
**Кўнгли бузилиб норни қайтариб,**
**Келган йўлга ҳайдаб кетиб боради.**

Чингиз Айтматов тасвирлаган барча қаҳрамонларда илоҳий бир улуғворлик, руҳоний етуклик бор. Зеро, бу хислатлардан маҳрум одам улуғ ғоялар яратолмайди, қаҳрамонона ишлар қилолмайди. «Алпомиш» достонида алпларнинг ташқи кўриниши бўрттириб кўрсатилган ўринлар бор. Қўшқулоқ полвоннинг «Шомурти ичида чичқон болалаб кетган, издан тушган пишак олтойда етган». Шу алпнинг ковуши тўқсон молнинг терисидан тикилган. Унинг наҳорги овқати тўқсон норнинг гўшти. Мана шундай ер фарзандида руҳоний, илоҳий мўъжиза йўқ. Қўшқулоқ полвон сингари алпларни Худо назар солган Қоражон бирин-кетин енгиб бораверади. Чингиз Айтматов Асрга татигулик кун» романида манқуртсифат, ғози йўқ майда одамларни тасвирлайди. Эдигей бу майда одамлар гуноҳини кечишни яратгандан сўрайди. «Қиёмат» романида эса Гришан, Бозорбой сингари майда одамлар образи тасвирланади. Бу одамлар инсон қавмига бегонадирлар.

Яна бир мисол: «Асрга татигулик кун» романида манқурт қилиш жараёни тасвирланади. Жунгжанглар маҳкумнинг бошига териқалпоқ тортиш йўли билан даҳшатли бир тарзда қийнаб, унинг хотирасини йўқотар эканлар. «Алпомиш» достонида эса, ана шу териқалпоқнинг номи берилади. Чин-Мочин юртидан келган Қайқубод бошига жумур кийиб юрар экан. Жумур уни бедаво кал қилиб кўрсатар экан. Қалмоқшоҳ қизи Товка Қайқубод калга тегишдан бош тортади. Шунда:

**Бирор корсон иссиқ сув келтиради,**
**Бошин корсонга солиб туради.**
**Қотган жумур ивиб тушиб қолади,**
**Асли кал эмасди, шундай бўлади,**
**Жумур қоплаб сурати кал юради.**
**Асли ўзи Чин-Мочиндан келади,**
**Товканинг ишқида кал бўлиб юради,**
**Жамоли оқшомни ёруғ қилади,**
**Кокиллари оч белига келади.**

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, санъат асарлари ҳамиша бирбири билан узвий боғлиқ бўлади. Асримизнинг машҳур санъаткори Чингиз Айтматов асарлари мумтоз адабиёт, фолклор асарлари билан чамбарчас қоришиб кетган. Чунки ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам инсондаги руҳий гўзалликни тасвирлаш, майдон куни ҳамдард, ҳамдам бўлишни кўрсатиш санъатнинг азалий удуми ҳисобланади. Санъат асарларининг куч-қудрати ва илоҳий гўзаллиги ҳам худди шу хусусиятларда тажассум топган бўлса ажаб эмас.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**ТошДУ доценти**

*Кўҳна манбалар*

# «НЕГИЗЛАР» НЕГИЗИДА НИМА ДЕЙИЛГАН ЭДИ?

## *Геометрияни билмаган киши шаҳарга кирмасин...*

Ўрта асрларда Евклид (Уклидус) «Негизлари»га катта қизиқишлар бўлиб, бу асар кўпчилик олимлар томонидан ҳар томонлама ўрганилган. Абу Али ибн Сино ҳам «Негизлар» устида тадқиқотлар олиб борган. Унинг «Усул илм ал-ҳандаса» асари энг муҳим математик таснифлашлардан иборат. Ибн Сино унинг асосий муаммолари ва шаклларини ўзигача бўлган математик олимларнинг изланишлари асосида яратди. Илмий изланишлар давомида геометрия ва сонлар назарияларига қўшимчалар киритиб, исботлашлар билан тўлдирди ва янгича тартибда таснифлади. Бу таснифлаш геометрияда биринчи математик қисқартмаларнинг хилма-хиллиги билан муҳим ўрин тутади.

Ибн Сино фалсафий фанларни икки гуруҳга: назарий ва амалийга ажратади. У назарий фанларни физика ва математикага бўлади. Ибн Сино фикрича, математик фанлар қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: сонлар назарияси (илм ал-адад), геометрия (илм ал-ҳандаса), астрономия (илм ал-ҳай'а) ва музика (илм ал-мусиқи).

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодиёти ниҳоятда оғир шароитда ўтганлиги тарихдан маълум. У бутун умри бўйи бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир ўлкадан иккинчи ўлкага кўчиб юришга мажбур бўлди. 999 йили сомонийлар давлати ҳалокатга юз тутди. 1002 йили Ибн Сино Бухородан Хоразмга келади. Хоразм бу даврда Шарқнинг маданий ўчоқларидан бири бўлиб, у ерда ижод этиш учун шароит Бухорога нисбатан бирмунча тузук эди. Бу ерда Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу-Хайр Ҳаммор каби машҳур олим ва шоирлар яшар эди.

Ибн Синони Хоразм шоҳи Маъмун ибн Маъмун II саройида йирик олимларни бирлаштирган ўз илмий муассасасига «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи»)га қабул қилишади. Илмий муассасада қомусчи олим Абу Райҳон Беруний раҳбарлигида табиий фанлар соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб борилади. Ибн Сино бу ерда илм билан осойишта шуғулланиб, илмий асарлар яратиш учун маълумотлар тўплайди.

Геометрия — Ибн Синонинг фикрича, математик фанлардан биттаси ёки биринчи математик фандир. Унинг асосида тўғри чизиқларнинг ҳолатлари, текисликлар учун ҳар хил шакллар, ўлчов тушунчаси, мутаносибликлар, нисбатлар ва ҳоказолар ётади. Геометрия фанига милодгача бўлган даврларда юнонлар, мисрликлар ва бобилликлар катта эътибор беришган. Машҳур юнон файласуфи Платон талаб қилганидек, барча жумҳурият ва шаҳарнинг фуқаролари геометрияни ўрганишлари керак бўлган ва у ҳатто ўзи ташкил қилган Академиянинг пештоқига «Геометрияни билмаган киши бу ерга кирмайди», — деб ёзиб қўйганди. Бунинг ўзи Юнонистонда математик олимларнинг кўпайишига катта туртки бўлди.

Ибн Синонинг табиий фанларни ўзига қамраган энг йирик асари «Аш-Шифо»дир. У бу китобни ёзиб тугатганида 50 ёшларда эди. «Аш-Шифо» китобини Ибн Сино ал-Буайҳий Шамс ад-Даула (вафоти ҳижрий 412-мелодий 1021) амирлиги даврида Ҳамадонда 10 йил мобайнида ёзган.

Бу асар Ибн Синонинг энг йирик фалсафий асари ҳисобланади: уни ўз даврининг илмий қомуси деса бўлади. Бу асар 4 қисмдан иборат: 1-мантиқ; 2-табиий фанлар (бу қисмда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида бўлимларда гап юритилади); 3-математика, яъни риёзиёт илмлари (бунда арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа ҳақида баҳс боради); 4-метафизика ёки илоҳиёт. Бу асарнинг табиий фанлар ва метафизикага тегишли қисмлари 1887-88 йили Теҳронда тошбосмада нашр этилган, мантиқ қисми эса 1962 йилдан бошлаб Қоҳирада бир неча жилдда босилган. Фақат айрим бўлимларигина лотин, сурёний, иброний, немис, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр этилган.

«Аш-Шифо»нинг учинчи қисмини — буни муаллиф учинчи жумла, яъни туркум деб атайди, фақат математик фанларга оид асарлар ташкил қилади.

Абу Убайд ал-Жузжоний — Ибн Синонинг шогирди бу ҳақда шундай ёзади: «Исфаҳонда Абу Али ибн Сино «Аш-Шифо» китобини тугатиш иши билан банд бўлди. Шу ерда «Аш-Шифо»нинг мантиқ ва астрономия қисмини тугатди. Бу вақтгача у Евклид геометриясини ва музикасининг қисқартмасини тугатган эди».

Евклиднинг «Негизлар» асари ўн учта китобдан иборатдир. Унинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи китобларини юнон математиги Гипскл (эрамизгача II асрнинг 2-ярми) яратган. Абу Али ибн Сино эса «Негизлар» китобини қисқартириб, «Аш-Шифо»га киритган. «Қисқартма» сўзини унинг шогирди ал-Жузжоний ишлатади. Буни Ибн Сино қуйидаги иборада тасдиқлайди: «Мен Евклиднинг «Негизлар» китобини жуда латиф қилиб қисқартирдим ва ундаги шубҳаларни ҳал қилиб, шу билан кифояландим».



Евклиднинг «Негизлар» китобининг бир қанча номланишлари ва унга ёзилган таҳрирлар бор. Бу китобга Ибн Сино ҳам, ўзининг қўшимчалари, исботлашлари, масаланинг қўйилиши ва ечилиши билан бир қанча қўшимчалар киритган ва натижада Ибн Сино катта ҳажмдаги ўзининг «Усул илм ал-ҳандаса» қўлёзмасини яратди. Тарихчиларнинг айтишларига қараганда, Ибн Сино бу асарни яратишда қандай манбалардан фойдаланганлигини айтиш қийин. Аниқки, у Евклиднинг «Негизлар»идан фойдаланган, лекин бунда ал-Ҳажжож ва Собит ибн Курранинг бу асарга ёзган таҳрирларига асосланганми йўқ, бу аниқ эмас. Ибн Синонинг жадвалини ал-Ҳажжож ва Собитнинг жадваллари билан солиштирсак, матнлар айнан устма-уст тушмайди. Албатта, бундан Ибн Сино ал-Ҳажжож ва Собит ибн Қурра қўлёзмаларидан фойдаланмаган, — деган хулоса келиб чиқмайди. «Китоб аш-Шифо», «Усул илм ал-ҳандаса» 1976 йилда Қоҳирада араб тилида нашр қилинган, 448 саҳифадаги тош босма, ўн беш мақоладан иборат бўлиб, унда 418 та геометрик шакл бор.

«Усул илм ал-ҳандаса» асарининг 15 та китобида «жумла»лар келтирилган (жами 462 жумла). Бу ерда «жумла» сўзини теорема, лемма ёки ясашга доир масала деб тушуниш керак. Ибн Сино келтирган «жумла»ларнинг баъзиларини исботлаган, баъзиларини эса тушунтиришга ҳаракат қилган.

«Усул илм ал-ҳандаса» асари геометриядан дарслик ҳисобланади. Шу сабабли Ибн Сино бу асарида Евклиднинг «Негизлар» китобини асос қилиб олган бўлса ҳам, геометрик масалаларни ва «жумла»ларни ўқувчиларга осон, содда тилда тушунтиришга интилган. Бу қўлёзма фақат дарслик бўлиб қолмасдан, балки ўша давр фани тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Геометрия соҳасидаги бир қанча муаммоларни, масалан, параллел тўғри чизиқлар назарияси ва геометрияга ҳаракат тушунчасини татбиқ этиш каби масалаларни ўз ичига олган бу асар, кейинги асрларда яшаган хорижий давлатлар олимлари ижодига катта таъсир этди. Бу олимлар геометрия соҳасидаги муаммоларни янада кенгроқ ва чуқурроқ текширишга эришдиларки, бунга Ибн Синонинг илмий ишлари асос бўлди.

Фанда Ўрта Осиёлик қомусий олимлар математика соҳасида ўзларигача яратилган билимларни ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилганлару, лекин янги соҳаларни яратмаганлар ва умуман, фандаги олдинги хулосаларни мукаммаллаштирганлар, деган нотўғри фикрлар ҳам йўқ эмас. Математика соҳасида кўп йиллар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган А.П. Юшкевич ўзининг «IX-XV асрларда Ўрта Осиё халқларининг математикаси» номли мақоласида юқорида айтилган фикрларнинг асоссизлигини қайд қилиб, шундай ёзади: «Энг асосий масала шундаки, Ўрта Осиё математиклари (IX-XV асрлар) ўзларидан олдин ўтган олимларнинг ишларига фақат сон жиҳатидан таъсир этиб, давом эттириб қолмасдан, балки математик текширишларга янги ғоявий йўналиш бердилар, сифат жиҳатидан янги математика тузишга киришдилар ва шунинг учун ҳам бу фанни биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган янги кашфиётлар билан бойитдилар». Ушбу фикрнинг исботи сифатида Ибн Синонинг «Усул илм ал-ҳандаса» асарини ҳам келтиришимиз мумкин. Бу асар фан тарихида ўтмиш халқларимиз меросини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Қадимги замон ва ўрта асрлар фалсафий таълимоти асосида беш та донишмандлик фанлари ётади. Булар: мантиқ, физика, астрономия, музика ва фалсафадир. Тўрт математик фан: геометрия, астрономия, арифметика ва музика биргаликда «квадривиум», яъни тўрт математик фанлар комплекси сифатида Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари олий ўқув юртларида ўқитилган.

Ибн Сино «квадривиум»ни ёзишда машҳур юнон классик олимлари Евклиднинг «Негизлар», Птолемейнинг (II аср) «Ал-Мажистий», «Гармония ҳақида таълимот» асарлари ва Никомахнинг (I аср) «Арифметикага кириш», шунингдек, Фобийнинг (873—950) «Музика тўғрисида катта китоб» асарларини асос қилиб олди.

Абу Али ибн Сино асарлари кўп тилларга таржима этилди. Бу асарлар орқали кишиликнинг авлодлари бир неча асрлардан бери фан асосларини эгаллаб келмоқдалар, бу асарларга юзлаб олимлар шарҳлар ёзганлар.

Ибн Сино асарлари, унинг фалсафий қарашлари Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Насир ад-дин ат-Тусий, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Италия ёзувчиси Данте, Испания ёзувчиси Лопе де Вега ва бошқаларга таъсир кўрсатди.

Абу Али ибн Синонинг «Усул илм ал-ҳандаса», «Донишнома», шунингдек, жаҳоншумул «Тиб қонунлари» каби асарлари кишилик жамияти билан бирга минг йилдан ортиқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бизнинг кунларгача етиб келди.

Мустақил юртимизнинг бой хазинасида ажойиб қўлёзмалар сақланар экан, бу қўлёзмаларни халқимизга етказиш, ўтмиш меросимизни ўрганиш биз манбашунослар олдидаги ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Гулором МАШАРИПОВА,**
**Хоразм Маъмун академияси «Археология, тарих ва фалсафа» бўлими мудири, тарих фанлари номзоди**

